

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕТТБ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН МУЗОКАРА ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июнь куни Европа тиклашиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти билан видеоалоқа орқали музокара ўтказди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Европа тиклашиш ва тараққиёт банки билан муносабатларида кейинги йилларда юксак даражага эришилгани ва самарали ўзаро ҳамкорлик амалга оширилаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

"Йўл харитаси" ва ЕТТБнинг Ўзбекистон бўйича стратегияси биргаликда амалга оширилиши туфайли бугун ушбу банк мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган устувор дастур ва лойиҳаларни илгари суришда муҳим шериклардан бирига айланди.

Бугунги кунда лойиҳалар портфели қарийб 1,2 миллиард долларни ташкил этиб, барча устувор йўналишларни қамраб олган. Ажратилаётган маблағларнинг учдан бир қисми хусусий сектор ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, шу жумладан, республикада коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини камайтиришга йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, томонлар умумий қиймати 1 миллиард доллар бўлган янги лойиҳа таклифларини кўриб чиқмоқдалар.

Банк экспертлари Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклиги, капитал бозорини ривожлантириш, банк тизимини ислоҳ қилиш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари бўйича қонун ҳужжатлари ва стратегик ташаббусларни ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этдилар.

ЕТТБ Тошкентдаги ваколатхонасини кенгайтирди, Андижон шаҳрида офисини очди. Келгуси йилда Урганч шаҳридаги офис ўз ишини

бошлаши кутилмоқда.

Президентимиз ҳамкорликнинг амалий натижалари ҳақида сўз юртар экан, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ва бу борадаги фаол саъй-ҳаракатлари учун Сума Чакрабартига санимий миннатдорлик билдирди.

Етакчи халқаро молиявий институт раҳбари бундай шаклдаги учрашувнинг ташкил этилгани учун чуқур миннатдорлик билдириб, банк Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги ислохотлар йўлини ва Марказий Осиёдаги минтақавий сиёсатни хар томонлама, шу жумладан, лойиҳалар портфели ва молиявий-техник қўмак ҳажмини кенгайтириш орқали қўллаб-қувватлашда қатъий эканини таъкидлади.

Сума Чакрабарти Сирдарё вилоятидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартароф этиш ва мамлакатимизда пандемия кенг ёйилишининг олдини олиш бўйича кўрилган

комплекс чора-тадбирларни юксак баҳолади.

Видеомулоқот чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди. ЕТТБнинг давлат қорхоналарини трансформация қилиш ва банкларни хусусийлаштиришдаги иштирокига, энергетика ва нефть-газ тармоқларини ислоҳ қилиш, ажратилган кредитларни самарали ўзлаштириш, бизнесни, шу жумладан, тўқимачилик тармоғидаги лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол мулоқот ва алмашувларни давом эттиришга, жумладан, Тошкент шаҳрида бўлажак Хорижий инвесторлар кенгашининг учрашуви ва 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлисини ўтказишга биргаликда тайёргарлик кўриш борасида келишиб олинди.

ЎЗА

Янги Ўзбекистон. Кейинги йилларда ушбу иборани тез-тез эшитадиган ва тилга оладиган бўлиб қолдик.

Қонуни ижодкорлиги

Маҳкумлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинади

Бу бежиз эмас, албатта. Чиндан ҳам, сўнгги 3-4 йил давомида юртимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси пировардида халқни рози қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашдек эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан янада аҳамиятлидир.

Президентимизнинг 2018 йил 7 ноябрда қабул қилинган "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги қарори ва 2020 йил 24 январда Парламентга тақдим этган Мурожаатномасида амалдаги қонунлар мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни бундан камида 20 йил ва ундан-да кўпроқ вақт илгари қабул қилинган алоҳида таъкидланган. Бинобарин, бу қонунлар ҳозирги давр талаблари ҳавоб бермаслиги ва қонунларимизни халқаро ҳуқуқ талабларига мослаштириш зарурати кўрсатиб берилганди.

Ўтган қисқа даврда ушбу йўналишда муҳим қадамлар ташланди. Хусусан, жорий йил 22 майда Вазирлар Маҳкамасининг "Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида қабул қилинган ушбу қарор "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида" ги қонун ижросини тўлиқ таъминлашни кўзда tutади.

Хўш, ушбу ҳужжатлар асосида қандай янгиликлар амалга оширилди?

Аввало, Ички ишлар вазири раҳбарлигида жазони ижро этиш муассасалари ва тергов хибсхоналарида сақланаётган шахслар ҳамда мазкур муассасалар ва тергов хибсхоналари сони ва уларнинг жойлашган жой тўғрисидаги маълумотлар махфийликдан чиқарилди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган кенг қўламли ислохотлар мамлакатининг ҳаётининг барча соҳаларида муваффақиятли амалга оширилиши қонун ижодкорлиги жараёни билан бевосита боғлиқдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш

бу жараёнда "пакет" принципи жорий қилинмоқда

Шу сабабли қонун устуворлигини таъминлашга интилаётган ҳар қандай мамлакат қонунчи ўзбекистон ҳам ўзининг ҳуқуқий тизими ва қонунчилигини мунтазам равишда такомиллаштириб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш масалалари доимий эътиборда бўлди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни сифатини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмининг жорий этиш долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода, жумладан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификациялаш соҳасида ижобий натижаларга эришилди.

Аммо шунинг ҳам очик тан олиш керакки, бу йўналишда ҳали кўзланган мақсадларга тўлиқ эришганимиз йўқ.

(Давоми 3-бетда) ►

Қонуни кўмаги

Тадбиркор эътирозига сабаб бўлган аукцион савдоси

нега ҳақиқий эмас деб топилди?

Маълумки, иқтисодий судларнинг энг муҳим вазифаларидан бири қорхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўрилган манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишдан иборатдир.

Бугун тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун ҳар томонлама имконият яратиши, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартафоз этиб бўлмайдиган зиддият ва ноаниқликларга чек қўйиш суд идоралари, давлат органлари ва бошқа



ташкилотлар фаолиятининг энг асосий йўналишларидан бирига айланди.

(Давоми 3-бетда) ►

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар ҳар қандай мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширади. Зеро, ушбу йўналишдаги ислохотлар мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигини белгилаб берувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Кейинги даврда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда амалга оширилаётган шундай ва

Муносабат

Халқаро рейтинг ва индекслар – мамлакатимиз ҳаётининг кўзгуси

унда ҳаққоний сиймосини кўрган халқимиз ўз ҳалол меҳнатидан кўнгли тўлсин ва рози бўлсин

қамровдор ислохотлар натижа-сида мамлакатимизнинг халқаро имижини яхшилаш бўйича сезиларли ютуқларга эришилди. Бугун дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг янги қиёфаси ҳақида гапирётгани бежиз эмас.

Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири — "Экономика" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат — "Йил мамлақати" деб эътироф этди. Бу эътироф мамлакатимиз ички сиёсатида эришилган юксак натижаларга, шу билан бир қаторда, ташқи, жум-

ладан, минтақавий сиёсатида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилиб, кўшнилари ўртасида ўзаро ишонч алоқалари мустаҳкамланганига берилган муносиб баҳоқидир.

Бу ҳақда сўз борганда, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз "Мерос" жамғармасининг "Иқтисодий эркинлик" индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг "Логистика самарадорлиги" индексида 19 поғонага, "Бизнес юритиш" индексида 18 поғонага кўтарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тарақ-

қиёт ташкилотининг "Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш" тизимидаги 6-гuruh мамлакатлари қаторидан 5-гuruh мамлакатлари қаторига кўтарилгани ҳам диққатга лойиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинг ва индексларидаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмининг жорий қилиш тўғрисида" - ги Фармони бу борадаги ишларни янада тезлаштириши

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси мисолида БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларини амалга оширишда парламентнинг роли" мавзусида халқаро парламент форуми видеоанжуманалоқа шаклида бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари, барқарор тараққиёт ва парламентларо ҳамкорлик истиқболлари

Бундай тадбир Ўзбекистон парламентаризми тарихида илк бор ташкил этилди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, шунингдек, дунё парламентларининг халқаро нуфузли ташкилоти — Парламентларо иттифоқ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаб-

буси билан ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажаришда Ўзбекистон парламенти ролини ошириш мавзуси муҳокама қилинган мазкур мулоқотга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спекерининг биринчи ўринбосари, Парламентларо иттифоқ Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Акмал Саидов модераторлик қилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Хабар

Банкротлик ишларини юритиш билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилди

Тошкент шаҳар ва Тошкент туманларо иқтисодий судлари томонидан Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг Тошкент шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда банкротлик ишларини юритишга тааллуқли муаммолар таҳлилга бағишланган амалий семинар ташкил этилди.

Айни пайтда юртимизда жорий этилган карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, мазкур тадбир видео-конференцалоқа тарзида ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар иқтисодий суди ва Тошкент

туманларо иқтисодий суди судьялари, Тошкент шаҳар прокуратураси, Давлат активлари бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг банкротлик ишлари бўйича масъул ходимлари,



(Давоми 2-бетда) ►

Муролаа

Олий судда аҳоли учун янги ҳуқуқий қўлланмалар тайёрланди

Ҳуқуқий қўлланмалар кўпинча судьялар, прокуратура ёки тергов ходимлари учун тайёрланган. Аҳоли учун оммабоп ҳуқуқий қўлланмалар деярли чоп этилмаган.

Кейинги йилларда Олий суд томонидан мана шу камчилик бартароф этилиб, аҳоли учун мўлжалланган, катта-ю кичикнинг ҳуқуқий билими, маданиятини юксалтиришга қаратилган китоблар тайёрланмоқда.

Судга мурожаат қилиш ҳамда суд ҳужжатлари устидан шикоят бериш тартиби батафсил тушунтирилган "Судга му-

рожаат қилиш ва суд ҳужжатлари устидан шикоят бериш тартиби" номли қўлланма тайёрланди.

Қўлланмада судларга мурожаат қилиш тартиби тушунarli тилда, инфографикалардан фойдаланган ҳолда ёритилган.

Қўлланма аҳолининг судга мурожаат қилиш ва суд ҳужжатларига нисбатан шикоят бериш бўйича ҳуқуқий билимини



ошириш, судга тўғри мурожаат қилиш кўникмасини шакллантиришда муҳим манба бўлади.

(Давоми 4-бетда) ►

Тошкент Давлат юридик университетида номутахассислик фанлар тўбдан қисқартирилди

Республикамизда малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва юридик фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд эдики, бу юридик таълим сифатига салбий таъсир қилаётганди.

Шу билан бирга, юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг йўқлиги миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига

салбий таъсир кўрсатиб, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятини чекларди.

(Давоми 4-бетда) ►

Муносабат

Халқаро рейтинг ва индекслар — мамлакатимиз ҳаётининг кўзгуси

унда ҳаққоний сиймосини кўрган халқимиз ўз ҳалол меҳнатидан кўнгли тўлсин ва рози бўлсин

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мазкур Кенгашининг раиси бўлди. Кенгашининг асосий вазифалари: мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, турли соҳаларда амалга ошириладиган туб ўзгаришларнинг Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишни таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самардорлигига тўқиб бўлаётган муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ бугунги кундаги муҳим масалалар киритилган.

Молия ва Адлия вазирликлари — Кенгашининг ишчи органлари дур. Кенгаш назорати остида ишчи органлар бўлган тақсимланган устувор халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига таъсирчан чоралар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ушбу йўналишда тизимли халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Таъкидлаш керакки, устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича мамлакатимизнинг ўрнини яхшилаш — масъул давлат органлари биринчи раҳбарларининг фаолияти самардорлигини баҳолашнинг бош мезонларидан биридир. Бу бўйича энг муҳим кўрсаткичлар (KPI) белгиланган бўлиб, баҳолаш мезонлари ана шу кўрсаткичларга таянади.

Президент Фармонида энг муҳим кўрсаткичларга эришиш учун мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан қўйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва Кенгашга тасдиқлаш учун тақдим этилиши зарурлиги белгилаб берилди: биринчидан, 2020 йилнинг иккинчи ярми давомида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий чора-тадбирлар дастурлари; иккинчидан, келгуси йилда амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий чора-тадбирлар дастурлари.

Бу дастурларда халқаро рейтинг ва индексларнинг навбатдаги нашрида зарур кўрсаткичи қайд этишга қаратилган амалий тақлифлар, шунингдек, рейтинг ва индексларни эълон қилувчи ташкилотлар ҳамда уларни тузишда фойдаланиладиган ахборот манбалари билан ҳамкорлик қилиш механизмлари назарда тутилиши лозим.

Масъул давлат органлари ҳамда тадқиқот институтлари тегишли рейтинг ва индекслар бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни Кенгаш ишчи органларига мунтазам равишда тақдим этиб бориши зарур. Адлия вазирлигида ташкил этиладиган Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси мазкур маълумотлар билан бевосита ишлайди.

Яна бир муҳим жиҳат: яқин фурсатларда "Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда" портали ишга туширилади. Молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда мазкур портал улуксиз ишлашини таъминлаш ва уни янгилаб бориш учун масъул ҳисобланади.

Бу янгиликларнинг барчаси ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Чунки ислохотларнинг ижобий натижалари, халқнинг эришган ва эришаётган ютуқларини дунё ҳамжамияти эътиборига тақдим этиш, ўз навбатида, алоҳида чора-тадбирлар ва мақсадли саъй-ҳаракатларни талаб эта-

ди. Бунда халқаро рейтинг агентликларининг хизмати айниқса, каттадир.

Маълумки, ҳар қандай давлат ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўтказар экан, биринчи ўринда, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мамлакатнинг халқаро миссиядаги нуфузини мустақамлашнинг асосий мақсад қилиб белгилаб олади. Мамлакатларнинг ана шу иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларини турли рейтинг агентликлари баҳолаб боради, улар ижобий ёки салбий ўзгаришларни асло эътиборсиз қолдирмайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳаётнинг барча баҳаларини қамраб олган шиддатли ўзгаришлар рўй бермоқда. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Айниқса, халқаро рейтинг агентликлари ўз индексларида Ўзбекистонни юқори ўринларда қайд эта бошлаётгани мустақиллик йилларида биринчи бор кузатишмоқда. Бу — давлатимиз учун, халқимиз учун жуда катта ютуқ, албатта.

Шу билан бирга, афсуски, айрим раҳбарлар рейтинглар билан ишлашга етарлича эътибор қаратмагани туфайли халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган сўровларда ислохотларимизнинг аксарият самаралари ўз ақсини топмай келаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайдими. Бунинг оқибатида муайян етакчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ҳалигача куйи поғоналарда қолмоқда.

Эндиликда халқаро рейтинг ва индекслар мамлакатимиз ҳаётининг кўзгусига айланиши керак. Токи бу кўзгуда ҳаққоний сиймосини кўрган халқимиз ўз ҳалол меҳнатидан кўнгли тўлсин ва рози бўлсин. Қолаверса, дунёда Ўзбекистоннинг дўстлари ва яқин ҳамкорлари янада кўпайиши ҳам шу жараёнга: халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини, хорижий инвесторларнинг қизиқишини қозониш кўп ҳолларда нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг баҳо-ларига боғлиқ бўлади.

Мухтасар айтганда, шу кунга қадар хорижий оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиниб бориладиган, таҳлил ва таққос қилинадиган дунё мамлакатларининг иқтисодий кўрсаткичлари, халқларнинг турмуш даражаси ёки яшаб учун энг хавфсиз давлатлар каби рейтингларда юқори ўринларни эгаллаган мамлакатларга ҳавасимиз келиши — бор гап.

Бундай кезларда ҳар гал "Биз ҳам шундай даражага етамизми, бунинг учун нима қилиш керак?", — деган ўй-хаёллар қалбимиздан кечиши ҳам оддий ҳақиқат.

Шу маънода, Президент Фармонидан кўзда тутилган асосий мақсад — мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлиги ва халқаро майдондаги имижини мустақамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилишдан иборат экани жуда муҳим.

Ўзбекистоннинг дунёга танитиш, халқаро майдондаги имижини юксалтириш халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига хизмат қилади. Бу ёрқин омил ҳар бир юртдошимизга қатъий ишонч бахш этиши билан бир қаторда, муайян масъулият ҳам юклайи тайин.

Ғулום МИРЗО,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Халқаро парламент форумида Парламентлараро иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари вакили Жанни Магазени, Ўзбекистон парламенти палаталари раҳбарлари, Ислום ҳамкорлик ташкилоти, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий экспертлар, депутатлар, Сенат аъзолари иштирок этди.

Таъкидланганидек, миллий парламентлар халқаро муносабатлар, фаровонлиқни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш қонун устуворлигини ҳам миллий, ҳам халқаро даражада мустақамлашда муҳим роль ўйнайди.

Парламент аъзолари учун амалий мулоқотнинг онлайн-майдонига айланган тадбирда Парламентлараро иттифоқ ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси масъул вакиллари ҳамда Ўзбекистон парламенти палаталари раҳбарларининг маърузалари тингланди.

— Ўзбекистоннинг БМТ, Парламентлараро иттифоқ билан ҳамкорлиги тобора мустақамлашиб бораётгани алоҳида эътиборга молик, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева. — Бугунги кунда мамлакатда суд ҳокимияти, сиёсий партиялар ва парламентнинг роли ўзгаришлар билан бир қаторда, ҳаётини муҳим масалаларни амалга ошириш бўйича мониторинг функцияларини ҳам қўйиштирди.

Хусусан, Гендер тенглик масалалари бўйича комиссия, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия, шунингдек, парламент юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси тuzилди.

Қолаверса, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Бош проку-

Хабар

Банкротлик ишларини юритиш билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Семинардан кўзланган асосий мақсад — банкротлик институтини қўллаш билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича фикр алмашишдан иборат. Муҳокамалар жараёнида айни соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш, банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш ишларини жадаллаштириш, бу борада судьялар ва суд тугатиш бошқарувчиларининг масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий судлар томонидан банкрот деб топилаётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ночор ҳолатга келиб қолишига муайян омиллар сабаб бўлмоқда. Ак-

сарият ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳужжалик фаолияти тўғри ташкил этилмагани, шунингдек, солиқ ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этгани ҳамда бунинг натижасида уларга нисбатан қўлланилган молиявий жавобгарлик чоралари шундай омиллар сирасига киради.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йил ва 2020 йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳар ва Тошкент туманлараро иқтисодий судлари томонидан жами 197 та тадбиркорлик субъекти банкрот деб топилган.

Танқидий руҳда ўтган амалий семинарда банкротлик тартиб-таомилларига, хусусан, банкрот корхонани туга-

Инсон ҳуқуқлари, барқарор тараққиёт ва парламентлараро ҳамкорлик истиқболлари

ратура, Ички ишлар, Адлия ва Ташқи ишлар вазирликларининг ҳисоботлари эшитилиши тизими йўлга қўйилган. Бинобарин, "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" тамойили амалда намоён бўлишини таъминлаш эътиборимиз марказида. Шунинг учун ҳам халқ билан мулоқот ўрнатиш ва жамоатчилик билан алоқаларни янада мустақамлашга устувор аҳамият қаратиб келинмоқда. Зотан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш — бош мақсадимиздир, дея қайд этди Олий Мажлиси Сенати Раиси.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов мамлакатда қонунчилик ҳуқуқий база такомиллаштирилаётгани, Ўзбекистонда миллий парламент кадрятлари вузудга келгани, бу борада энг илғор халқаро тажрибадан фойдаланилаётганини таъкидлади. Бу эса давлатнинг ҳуқуқий пойдеворини мустақамлаш, қонун ижодкорлиги сифатини ошириш, парламент назоратини кучайтириш, фуқаролар ҳаётини яхшилашга хизмат қилади.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласини фаол илгари сурмоқда. Бу фаолият халқаро мажбуриятларини бажариш ва миллий қонунчиликка татбиқ этиш, қабул қилинган қонунлар самарадорлигини мониторинг қилиш, БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсиялари ижроси ва бошқа йўналишлар бўйича "Йул хариталари" ишлаб чиқиш орқали олиб бориляпти.

— Ўзбекистон парламенти халқаро парламент жамоатчилигининг тенг

ҳуқуқли аъзоси сифатида Парламентлараро иттифоқ ҳамда бошқа халқаро парламентлар форумларида фаол иштирок этипти, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов. — Ўзбекистон Парламентлараро иттифоқ ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармасининг "Парламент ва инсон ҳуқуқлари принциплари"ни қабул қилиш, БМТнинг 75 йиллиги бўйича Декларацияга бугунги халқаро муносабатларда миллий парламентлар ва Парламентлараро иттифоқнинг роли тўғрисидаги қондаларни киритиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Видеоконференцияда, шунингдек, Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги роли ва механизмлари бўйича БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши тавсияларини бажаришга доир ишлар истиқболи хусусида сўз юритилди.

Мулоқот якунида иштирокчилар Парламент форуми парламент аъзоларининг амалий мулоқотини давом эттириш, инсон ҳуқуқлари, барқарор тараққиёт ва ҳамкорлик йўналишларидаги парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини эътироф этди.

Форум 30 июнь — Халқаро парламент кунига бағишланди.

Маълумот учун: Жаҳон ҳамжамияти томонидан айнан 30 июнь — Халқаро парламентаризм куни этиб белгиланган бежиз эмас. Бундан 131 йил олдин, 1889 йили худди шу санада Парижда дунё давлатлари парламентларининг асосий халқаро органи ҳисобланувчи Парламентлараро иттифоқнинг илк халқаро кон-

ференцияси очилган.

Бугунги кунда Парламентлараро иттифоққа 179 мамлакат парламентлари аъзо. Бу мамлакатларнинг ҳар бирида давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолият олиб боради. БМТга аъзо 193 давлатдан 79 тасида икки палатали, 114 тасида эса бир палатали парламент тизими амал қилмоқда. Дунё парламентларининг жами 272 та палатаси таркибда қарийб 46 минг нафар парламент аъзоси бор.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар эътирофи сифатида тарихда биринчи бор мамлакатимиз вакили 2020-2023 йилларда Парламентлараро иттифоқ Ижроия кўмитаси аъзолигига қабул қилинди. Яъни, 2020 йил бошида Парламентлараро иттифоқ бошқарув органларининг янги таркибини шакллантириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А.Саидов Парламентлараро иттифоқ Ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари, шунингдек, тузилманинг молия бўйича кичик кўмитаси аъзоси этиб тайинланди.

Ўзбекистон парламенти вакили дунё қонун чиқарувчи органларининг бундай нуфузли форуми ишида қатнашиши Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни янада самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, халқаро парламентлараро ҳамкорлик кун тартибини шакллантиришда мамлакатимиз иштирокини таъминлаш имконини ҳам бермоқда.

ЎЗА

таҳлил қилинмаганлиги ҳамда ноқонуний асосда мулклар ҳисобдан чиқарилган ҳолларда ушбу мулкларни қайтариш чоралари кўрилмаганлиги танқид қилинди.

Қарздорларни тугатишга доир иш юритиш натижалари бўйича оралиқ ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилмаглиги, қарздорларда сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлашга доир ҳаракатлар амалга оширилмаганлиги каби хатоларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу каби камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга доир таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдирди.

Мансур ЭРГАШЕВ,
Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси

Қилмиш-қидирмиш

Қабоҳат

ўзининг ҳалиги таклифини ўйлаб кўриш, аниқ бир қарорга келиши зарурлигини эслатиб туришни ҳам унутмайди.

Шу тариқа орадан ойлар ўтади. Бу пайтда М.Холмуродованинг турмуш ўртоғи огир касалликка чалиниб, оламдан ўтган, бир нафар фарзанди билан ёлғиз қолганди. Шундай бўлса-да, М.Холмуродова Мария холанинг иссиқ-совуғидан хабар олар, озми-кўпми моддий ёрдам ҳам бериб турарди.

Кексайганда ёлғиз қолиш қийин экан. Эшикдан йўқлаб келадиган ёки телефонда бўлса-да, кўнгил сўрайдиган кишини бўлмаса, ундан ҳам ёмон экан. Ахийри, М.Кузнецова ўйлаб-ўйлаб М.Холмуродованинг таклифига розилик беради. Бу 2016 йилнинг август ойи бошида эди.

Улар эртаси кунёқ давлат нотариал идорасига боришади. М.Кузнецова ўзи вафот этган, яшаб турган хонадонини М.Холмуродовага қолдириши ҳақидаги васыятномани расмийлаштиради. Шундан сўнг М.Холмуродова Россия Федерациясига ишга кетади. Кетишидан олдин ваъда қилганидек, у М.Кузнецовага хориждан ҳар ойда 100 минг сўм жўнатиб туради.

2019 йилнинг бошида М.Холмуродова хориждан қайтиб келади. У хорижда кетаётганида Мария хола анча чарчаб қолганди, вафот этган бўлса керак, деб ўйлайди. Лекин бундай бўлиб чиқмай-

ди. Кампир анча қариб-қартайиб қолганига қарамай соғ-саломат эди.

М.Холмуродовага эса, тезроқ М.Кузнецованинг уйини қўлга киритиш фикри сира тинчлик бермаётганди. Кекса, ожиз аҳволдаги аёл ўзига нисбатан содир этиладиган тажовузга қаршилик кўрсатишга қодир эмас, деган кутку кўнглининг туб-тубида аланга олаётганди. Кейинчалик эса, "кампирни осонгина гумдон қилиш мумкин, ана шунда уйни тезроқ қўлга киритаман. Кампирни ордан сўрайдиган ҳеч кими йўқ", деган ёвуз ўйлар М.Холмуродованинг фикр-хаёлини буткул банд этиб қўйганди. М.Холмуродова бундай ёвуз режага боришнинг бошқа бир сабаби ҳам йўқ эмасди.

Гап шундаки, М.Холмуродова хориждан қайтган, бир кун ўзининг "Деди" лақабли таниши билан М.Кузнецованинг уйига боради. Хонадонни таъмирдан чиқаришни айтиб, М.Кузнецовага вақтинча ўзи билан бирга ҳовлида яшаб туришини айтди. Аммо М.Кузнецова январиинг совуқ кунларида иссиқ жойини совитишни истамайдиган таъмир масаласига эътироз билдирди.

Ўз навбатида, М.Холмуродова М.Кузнецовани яхшиликни билмасликда айблаётган ва ундан қаттиқ ранжийди. Ушанда кампирни ими-жиммида йўқотиш керак, деган шум фикри янада қатъийлашади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қолаверса, жазони ижро этиш муассасалари ишлаб чиқариш фаолияти, улар томонидан номенклатура бўйича ва пул билан ифодаланадиган ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар орасида ўлим ҳолатлари ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва тиббий тусдаги мажбурий чоралар қўлланиладиган маҳкумлар сони тўғрисидаги маълумотлар эндиликда ошқор этиладиган бўлди.

Фуқаролар, жумладан, маълум сабабларга кўра, тўғри йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кирган ҳамюртларимизнинг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш йўналишидаги ишлар ҳам изчил давом эттириляпти.

Буни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилган ва айни чоғда сенаторларнинг қизғин муҳокамасига сабаб бўлаётган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун мисолида яққол кўриш мумкин.

Парламент юқори палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан вилоятларда ўтказилаётган сайёр йиғилишларда Олий Мажлис депутatlари, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари иштирокида ҳам бу ҳужжат атрофида муҳокама қилинмоқда.

Жиноят-ижроия кодексига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар

бўйича Испания, Жанубий Корея, Туркия, Франция, Эстония, Япония, Беларусь, шунингдек, қўшниларимиз — Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон давлатларининг тажрибаси батафсил ўрганиб чиқилди.

Шу аснода замон талабига мос қонун ишлаб чиқилди. Унда жазо муддатини ўташ давомида маҳкумлар шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кенгайтирилмоқда. Жумладан, янги норма билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг хавфсизлигига таҳдид юзага кел-

Қонун ижодкорлиги

Маҳкумлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинади

ган тақдирда, у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги ариза ё хабар билан жазони ижро этиш муассасаси ёки органининг ҳар қандай ходимига мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Маҳкумнинг аризаси ё хабари олинishi ҳамон зудлик билан шахсий хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилиши шарт.

Жиноят-ижроия кодексининг амалдаги 67-моддасига кўра, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, уларнинг буюм ва кийимлари, шунингдек, ЖИЭМлари объекти ва хоналари тинтув қилиниши ҳамда кўздан кечирилиши мумкин. Шахсий тинтув маҳкум билан бир жинсдаги шахс номидан амалга оширилади, турар

жой биноларини уларда маҳкумлар бўлган чоғда тинтув қилишга кечиктириб бўлмайдиган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Янги тахрирда эса, тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятлар, тақиқланган ҳарсалар ва буюмлар сақланаётган ҳақида ахборот келиб тушган ҳолларда, жазони ижро этиш муассасаларининг турар жойларини уларда маҳкумлар бўлганда тинтув қилишга йўл қўйилиши, тинтув чоғида жисмоний куч ва махсус воситалар ишлатиш тақиқланиши белгиланмоқда.

Ходимларга, бошқа маҳкумларга ёки ўзга шахсларга маҳкумдан фэйри-қонуний ҳаракатлар, шунингдек, ўзига ўзи зарар етказишнинг олдини олиш ҳоллари бундан мустасно.

Янгида киритилаётган бу каби нормалар тегишли муассасаларда жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик, маҳкумлар ва, умуман, бундай муассаларда ўрнатилган тартибга қарши ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Янги қонунда маҳкумлар ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириш мақсадида, вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларидаги амалдаги чекловлар бекор қилинмоқда. Маҳкумлар билан вояга етмаган

фарзандлари учрашувларининг алоҳида тартиби белгиланмоқда.

Жумладан, маҳкума хомилдор аёллар ва боласи бор аёллар учун қўшимча ҳуқуқлар киритилмоқда. Яъни маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичида тўрт марта муддатга беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, манзил-колонияларда сақланаётганларга эса муассасача худудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган микдорда берилди.

Қолаверса, ушбу янги қонунда маҳкумларни жазо ўтатиш даврида адолатли мезонлар асосида рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби ва рағбатлантириш чораларини қўллаш комиссияси иш фаолияти ҳам белгилаб берилган.

Хусусан, жазони ижро этиш муассасаларида тузиладиган комиссиянинг фаолияти ва унинг таркибига ким кириши аниқ кўрсатилмоқда. Комиссия жазони ижро этиш муассасаси ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари орасидан камида саккиз нафар аъзодан иборат таркибда тузилиши, жамоатчилик вакиллари комиссия аъзолари умумий сонининг тенг ярмини ташкил этиши лозим.

Шундай қилиб, ушбу янги қонун маҳкумлар ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш, қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган. Қонун жазони ижро этиш тизимида шахсни ахлоқдан тузатиш, унинг жамиятга ижтимоий мослашувини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Кутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Қонун кўмаги

Тадбиркор эътирозига сабаб бўлган аукцион савдоси

нега ҳақиқий эмас деб топилди?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода иқтисодий судлар томонидан ҳам тадбиркорлар билан давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқишда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги даввогар "K.NAURIZOV ATINDAGI MPK BAXITLI OQIW NODAVLAT TALIM" масъулияти чекланган жамияти манфаатини кўзлаб, жавобгарлар Мажбурий ижро бюроси Қарши шаҳар бўлими ҳамда "Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази" давлат унитар корхонасига нисбатан 2019 йил 6 декабрь куни ўтказилган электрон-онлайн аукционни ҳақиқий эмас, деб топилди ҳамда тўланган 67 276 000 сўмни қайтаришни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Даъво талаби бўйича тўп-ланган ҳужжатлардан аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманларо судининг 2019 йил 26 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан, "Микрокредит-банк"нинг Бешкент тумани филиали фойдасига 704 062 500 сўм ундириш ҳақидаги ижро варақаси 2019 йил 12 августда Мажбурий ижро бюросининг Қарши шаҳар бўлими иш юритувига келиб тушган.

Шундан сўнг олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида ижро варақасига асосан, ундирувни 48 400 000 сўмга баҳоланган "COBALT" русумли, "70 Q 034 DA" давлат рақамли автотранспорт воситасига қаратиш белгиланган. Шу боис давлат ижрочиси томонидан 2019 йил 21 августда ушбу автомашина хатланди, 2019 йил 25 сентябрь куни электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш марказининг 2019 йил 6 декабрдаги ОА-0404-000072-сонли баённомасига кўра, ушбу автомашина тадбиркор томонидан 67 276 000 сўмга сотиб олинган.

Айтиш керакки, Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиши белгиланган.

Бундан ташқари Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директорининг 2017 йил 31 июлдаги 9-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Электрон онлайн-аукционлар ташкил этиш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси оператори ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида"ги Регламентнинг 9-бандида давлат ижрочиси томонидан буюртмаланган



мол-мулкни тавсифловчи ҳужжатлар, шу жумладан, баҳолаш тўғрисидаги ҳулоса, автототранспорт воситасини ёки кўчмас мулкни кўздан кечирish далолатномасининг кўчирма нусхалари илова қилиниши қайд этилган.

Ушбу қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, Мажбурий ижро бюроси Қарши шаҳар бўлими ҳамда Қарши шаҳар ИИБ ЙХХБ масъул ходимлари томонидан 2019 йил 25 сентябрда ижро ҳужжатлари бўйича автототранспорт воситасини кўздан кечирish далолатномаси расмийлаштирилган.

Мазкур далолатномага асосан, "COBALT" русумли автотранспорт воситасининг спидометрининг ҳолати 2106 эканлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида тасдиқланган.

Бироқ суд муҳокамаси давомида аниқланган ҳолатлар, ишда иштирок этувчи шахслар берган тушунтиришлар, тақдим этилган ҳужжатлардан маълум бўлдики, тадбиркор сотиб олган "COBALT" русумли автотранспорт воситаси спидометрининг ҳолати электрон аукцион савдоси ўтказилган кунда далолатномада кўрсатилганидек 2106 километрни эмас, балки 200 702 километрни ташкил қилгани далиллар билан ўзи исботини топди.

Шу сабабли суд тадбиркор томонидан аукцион савдосида ютиб олинган автототранспорт воситасининг юрган масофаси электрон-онлайн савдосида кўрсатилганидек 2106 эмас, балки 200 702 эканлиги факти даъвогарнинг ҳақиқий хоҳиш-истагини акс эттирмайдиган, уни тузиш вақтида тарафлар назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлмаган битим эканлигини эътироф этиб, 2019 йил 6 декабрда ўтказилган №ОА 0404-000072-сонли электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани ҳақиқий эмас деб топди.

Шу билан бирга, ушбу қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли идораларга хусусий ажримлар чиқарилди.

Албатта, суд ҳужжати ижроси сўзсиз таъминланади. Тадбиркор томонидан тўланган пул ҳам ўз эгасига қайтарилади, аукцион ҳужжатларини расмийлаштиришда хатога йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан ҳам қонуний чора кўрилади. Бироқ эзгу орзу-хаваслар билан аукцион савдосида ютиб олган автомашинасининг юрган масофаси эълонда кўрсатилганидан анча фарқ қилса... бу нима дегани?! Тагин бу машаада туфайли пулини қайтариб олишда ойлаб турли идораларга қайта-қайта мурожаат қилиб, туну-кун қанчадан қанча асабузарликларни бошдан кечирган тадбиркор кўрган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаб бўладими?!

Хусан ТУРСУНОВ,
Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси, юридик фанлар номзоди

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бу жараёнда "пакет" принципи жорий қилинмоқда

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бу жараёнда "пакет" принципи жорий қилинмоқда

ҳуқуқий нормалар фақатгина қонунлар билан ўрнатилиши белгиланмоқда.

Айни чоғда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йғимларни белгиловчи, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутувчи, асосланмаган харажатлар келтириб чиқарувчи ҳуқуқий норма-

лашда турлича талқин қилиш каби мураккабликларни юзга келтириб чиқараётганига ҳам ғувоҳ бўламиз.

Шу маънода Фармон билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда "пакет" принципи жорий қилинаётганини ниҳоятда муҳимдир. Бундан буюн янги қонун лойиҳасидаги қоидалар илгари қабул қилинган қонун-

ларга тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этганда, аввалги қонунларга ўзгариш киритиш уни қабул қилиш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бунинг натижасида муайян ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат бир вақтда қабул қилинишига эришилади. Демакки, амалиётда қонун нормаларини ишлатиш механизмлари бў-

ларга тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этганда, аввалги қонунларга ўзгариш киритиш уни қабул қилиш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бунинг натижасида муайян ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат бир вақтда қабул қилинишига эришилади. Демакки, амалиётда қонун нормаларини ишлатиш механизмлари бў-

ларга тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этганда, аввалги қонунларга ўзгариш киритиш уни қабул қилиш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бунинг натижасида муайян ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат бир вақтда қабул қилинишига эришилади. Демакки, амалиётда қонун нормаларини ишлатиш механизмлари бў-

ларга тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этганда, аввалги қонунларга ўзгариш киритиш уни қабул қилиш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бунинг натижасида муайян ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат бир вақтда қабул қилинишига эришилади. Демакки, амалиётда қонун нормаларини ишлатиш механизмлари бў-

(Давоми 4-бетда) ▶

ЧОҶИ

ёхуд яхшиликка ёмонлик қилган

кимсанинг аянчли қисмати хусусида

Шундан сўнг М.Холмуродова жинойи режасини амалга оширишга киришди. Аввало, у жиноятга мойил одам излашга тушади. Қунлардан бир кун у бир маҳаллада яшовчи, болалик чоғидан яхши танийдиган Фахри Дадажоновга бориб учрашади.

"ГАЗ — 3129" русумли автомашинасини юк ортишга мослаштирган Ф.Дадажонов тахта бозоридан юк ташиб билан шуғулланарди.

— Ёлғиз, кекса бир аёлга қараб юрман. Шу кампир жонимга тегиб кетди, уни йўлини қилиб йўқотиш керак, — дейди Мавлуда. — Бу иш фақат сизнинг қўлингиздан келади.

— Эсинг жойидами, нималар деб валдираяпсан?! — дейди Ф.Дадажонов кўриб кетиб. — Синглим, бу ниятингдан қайт.

Шунда М.Холмуродова Ф.Дадажоновга болалигидан товуқ сўйганини, қурбақани қандай ўлдирганини эслатиб, кулади.

— Болаликда ҳар нарса бўлгандир. Лекин бировнинг жонига қасд қилиш... Йўқ, йўқ, бу гапни бироврга айта кўрма, — дейди Ф.Дадажонов.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, М.Холмуродова яна Ф.Дадажоновга кўнғирок қилади. Тахта бозоридан эканини эшитиб,

унинг олдига боради. Учрашишга, М.Холмуродова бу гап ҳам ҳалиги тақлифини эслатиб, гап-лапни тинчитса, бир минг АҚШ доллари беришини айтади.

Бироқ Ф.Дадажонов унинг сўзларини кескин рад этади ва, ўз навбатида, уни бу йўлдан қайтаришга уринади. М.Холмуродова барибир ёвуз ниятидан қайтмайди.

Орадан икки кун ўтиб, М.Холмуродова Ф.Дадажонов билан учрашади ва икки минг АҚШ доллари тақлиф қилади. Бу сафар ҳам рад жавобини эшитгач, у "майли, кампир Худо берган умрини яшайверсин, зарар етказмайман" дейди.

Аслида у бу гапни Ф.Дадажоновни тинчлантириш, сиридан воқиф бўлиб қолмаслик мақсадида айтган эди. Шунингдек, М.Холмуродова Ф.Дадажонов билан учрашганда, атай Фурқат деган кимса ҳақида гап очган ва шу аснода ўзини қизиқтирган маълумотларини билиб олганди.

Аслида Фурқат деганлари М.Холмуродовга бегона эмас, синглиси Матлубанин ўғай ўгли. Фурқат 2006 йилда хорижга ишлашга кетган ва 2010 йилнинг март ойда босқинчилик жинояти содир этганлиги учун етти йил муддатга озод-

Мутлола

Олий судда аҳоли учун янги ҳуқуқий қўлланмалар тайёрланди

◀ (Бошланиши 1-бетда) Яна бир қўлланма "Оила — муқаддас даргоҳ" деб номланган бўлиб, у никоҳдан ажралиш ишлари бўйича суд амалиёти таҳлили асосида тайёрланган.



Қўлланмада никоҳ тушунчаси, никоҳ тузиш шартлари, никоҳни қайд этиш, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар, никоҳ шартномаси, уни тузиш, бекор қилиш ва суд ўзгартириш тартиби, шунингдек, боланинг мулкий ҳуқуқлари, ота-онанинг ўз

болалари манфаатлари ҳимояси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари, боладан алоҳида яшаётган ота-онанинг ҳуқуқлари, вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундириш, эр-хотиннинг мол-мулки масалалари инфографикалар орқали тушунарли тарзда ёритилган. Шунингдек, мазкур қўлланмада оила, одоб ва эр-хотин муносабатлари тўғрисидаги ҳикматли сўзлар ўрин олган.

Мазкур рисола мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшларнинг оила ҳақидаги тасаввурини янада кенгайтириш, оилалар мустақамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчи қўлланма "Ворислик ҳуқуқи қонун ҳимоясида" деб номланган. Маълумки, мерос мулки билан боғлиқ низолар асосан яқин қариндошлар: ака-ука, опа-сингиллар ўртасида юзага келади ва суд қонуний қарор чиқаришига қарамаддан улар ўртасидаги ўзаро қариндошлик му-



носабатига путур етади. Кўрилган ишлар таҳлили натижасида мерос низолари келиб чиқишига асосан ворисларнинг амалдаги қонун нормаларини билмаслиги ва бирининг ҳуқуқини иккинчиси тан олмаслиги сабаб бўлаётганлиги ҳамда васиятнома қолдирилмаган ҳолларда кўплаб низо келиб чиқаётганлиги аниқланиб, ушбу қўлланмада ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ кўп учрайдиган 50 саволга батафсил тушунтириш берилган.

Мерос ҳуқуқини расмийлаштиришга оид ҳужжатлар намунаси ҳамда мерос низо-сози келиб чиқишининг олдини олишга доир маслаҳатлар ҳам берилган. Қўлланманинг кенг аҳоли қатламига етказилиши келгусида ворислар ўртасида низо келиб чиқишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тўртинчи қўлланма "Меҳнат ҳуқуқи қонун ҳимоясида" деб номланган. Меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ суд амалиёти таҳлили натижасида кўра, ҳануз иш берувчилар томонидан ҳодимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлиги ва бунга асосан иш берувчи ҳамда ҳодимларнинг амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларини билмаслиги сабаб бўлаётганлиги аниқланганлигидан келиб чиқиб, келгусида меҳнат қонунчилиги талабларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи самарали ҳимоя

қилинишини таъминлаш мақсадида иш берувчи (корхона, ташкилот ва муассаса) ва ҳодим (фуқаро) ларга ишга қабул қилинишидан тортиб, ишдан бўшагача бўлган амалдаги меҳнат



қонунчилиги талаблари инфографикалар асосида содда тилда тушунтирилган. Қўлланмалар билан Олий суднинг www.sud.uz сайтида тўлиқ танишиш мумкин. **Н. АБДУРАИМОВА**

Одам боласи худо берган ақлни эзгуликка эмас, тор ва чиркин манфаатлар йўлида сарфлашининг оқибати ҳеч қачон хайрли яқун топмайди. Аммо ҳаётда нафс қутқусига учиб, жиноят кўчасига кирётган кимсалар ҳам учраб туради. Бундай кимсалар тотли турмуш йўриғи бўлакча экани, унга фақат эзгу ўй-фикр, эзгу амал ва эзгу сўзни дилига жо этганларгина ета олишини, таассуфки, билишмайди.

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Қинғирлик кўчасидан изланган омад

у аслида оғир қисмат бўлиб чиқди

1979 йил Урганч шаҳрида туғилган Аҳдам Бобожоновни ҳам ақлини ана шундай чиркин манфаатлар йўлига сарфлаганлар тоифасига қўйиш мумкин. У шу пайтга қадар ўзича омад санаган мўмай бойликни ҳўп ва кўп излади. Шу ҳой-у ҳавас йўлида хорижий давлатлар, аниқроғи, Россияга бориб келди. Ана шу тариқа шумлик ва кувлик йўлларига кирди, моғорлаган кўнгли бемехнат бойликни кўмсади. Одамийликка ҳам, қонунийликка ҳам хилоф амалларни ихтиёр этди. Аммо ҳар гал шум ниятининг неъматини эмас, балки нордон "данаги"ни татиди. 2009 йилдан 2013 йилгача ўтган вақт ичида уч марта жиноий жавобгарликка тортилди.



Шу заҳотиёқ учрашув жойига етиб борди. Савдо пишиди. 2 та канвалютадаги "Трамадол" гиёҳвандлик воситаси 350 минг сўм эвазига Аҳдамдан сотиб олинди. Ушбу савдодан сўнг А. Бобожонов, табиийки, узоққа кетолмади. Шу жойнинг ўзидаёқ тўрга тушиб, бўлажак воқеаларни миридан-сиригача айтиб беришдан бўлак чора тополмади. Аён бўлишдан, галдаги йирик микдордаги савдо-сотик тадбири ҳали олдинда ва чораси кўрилса, унинг ҳам пайини бемалол қирқш мумкин. Жиноят устида кўлга тушган А. Бобожонов ноилоҳликдан пинҳона қузатув остида ана шу савдонини амалга ошириш тадбирида иштирок этишга розилик қилди. Бари кутилганидек бўлди. Юқорида зикр этилган микдордаги "дори" — жами 14 та канвалютадаги "Трамадол" гиёҳвандлик воситаси 1 миллион 450 минг сўм эвазига харидор Аҳдам Бобожоннинг қўлига ўтди. Жиноий шерикларнинг узоқ давом этмаган қора қилмишига ана шу тариқа нукта қўйилди.

Тергов органи Аҳдам Бобожоновнинг қилмишини Жиноят кодексининг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга доир жиноий қирқдорлар сирасига кирувчи 273-моддаси 5-қисми, 276-моддаси 2-қисми "а" банди, АЙБЕК Бобожоновнинг қилмишини эса, 273-модда 5-қисми билан малакалади. Суд ушбу ҳолатни эътироф этар экан, жиноий қилмишга қўл урган кимсаларнинг айбини енгилашувчи жиҳатлар етарли экани, оғирлаштирувчи вазият эса, мавжуд эмаслигини аниқлади. Шунга кўра, ҳар иккала судланувчининг айбига тўла иқроғи, жиноятни очишга ёрдам бергани, ихтиёридаги гиёҳвандлик воситаларини тергов органига ўз ҳошии билан тақдим этгани, оилавий ва моддий аҳоли инобатга олинди. Шу муносабат билан ҳар иккала судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг енгил жазони назарда тутувчи 57-моддасини қўллаш мумкин, деган ҳулосага келинди ва бу ҳолат чиқарилган ҳукмда ўз ифодасини топди.

Шундай эса-да, гиёҳвандлик ва гиёҳфурушлик — ихтимой жиҳатдан анча хавfli ва жиҳдий саналган кеңирилмас жиноят. Шу боис, бундай ҳолатларни хаспўшлаш, оғир ва асоратли қилмиш эканлигини инкор этишининг имкони йўқ. Суд шу муносабат билан Аҳдам Бобожонов ва АЙБЕК Бобожоновларнинг ҳар бирини 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Инсон зотиға берилган бир марталик умрни кимдир эзгуликка йўналтириб, ҳаётдан қут-баракат топади, бахтли яшайди. Ана кимдир эса, билиб-билмай разолат ботқоғига ботиб, наинки, ошна-оғайнилари, балки кўни-қўшиларини ҳам уятга қолдиради. Уни таниган одамлар ундан номус қиладилар, ўзларини олиб қочадилар. Бундай жазодан Яратганининг ўзи асрасин.

Ҳикмат излаганга — ҳикмат бу дунё, Иллат излаганга — иллат бу дунё, деб бежизга айтмайдилар. **ШУХРАТ РАЗЗАҚОВ,** жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг раиси, **АБДУЛЛА СОБИРОВ,** "Куч — адолатда" муҳбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Янги Ўзбекистоннинг — янги юридик таълими" мавзусида бўлиб ўтган брифингда шу ҳақда сўз борди.

Таъкидланишича, бу каби муаммо ва камчиликлар ўз навбатида, юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш чораларини кўриш зарурлигини кўрсатди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Фармонда юридик таълимда узоқ йиллардан буён муаммо бўлиб келган бир қатор масалалар ижобий тасдиғини топди, - деди Тошкент давлат юридик университети ректори Раҳим Ҳақимов. - 3 та ҳудудда юридик факультетларни ташкил этиш, уларни кадрлар билан таъминлаш, ўқув йилига тайёрлаш ва ўқув дастур-

Тошкент Давлат юридик университетида номутахассислик фанлар тубдан қисқартирилди

ларини шакллантириш масалалари тизимли амалга оширилмоқда. Бу йил ҳудудлардаги факультетларга 50 нафардан талабани қабул қилиш режалаштирилган. Уларда таълим тизими фақат кундузги шаклда амалга оширилади. Университетга қабул қилиш жараёни ҳам тубдан ўзгартирилди. Олдин умумий тарзда қабул қилинган бўлса, энди ҳужжат топшириши ҳам алоҳида факультетларни танлаш асосида амалга оширилади. Жорий йилда 4 та йўналиш бўйича 2 та фандан имтиҳон бўлади. Янги ўқув йилидан 1-курсдан бошлаб мутахассислик фанларини ўқитишга ўтилади. Номутахассислик фанлар эса тубдан қисқартирилди.

Бугунги кунда университет қабул комиссияси томонидан 2020/2021 ўқув йили учун қабул жараёнларини юқори савияда ташкил этиш борасида муҳим иш-

лар амалга оширилди. Аби-турентларнинг қабул жараёнларига оид барча саволларига жавоб бериш мақсадида малакали ҳодимлар иборат "call center" фаолияти йўлга қўйилган. Унда фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларига ўз вақтида, асосли жавоб бериб борилиши ташкил этилган.

Халқаро тажриба асосида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб бакалавриятда юриспруденциянинг 4 та, яъни давлат-ҳуқуқий фаолият, жиноят-ҳуқуқий фаолият, фуқаролик ва бизнес ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик таълим йўналиши, магистратурада эса 8 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш белгиланган.

Университет бакалаврият таълим йўналишига жами 600 ўрин ажратилиши режалаштирилган. Талабгорларнинг 20 нафари грант, 580

нафари эса тўлов-контракт асосида қабул қилинади. Бундан ташқари, масофавий таълим шаклида тахсил олишни истаганлар учун 300 қабул ўрни ажратилиши кутилмоқда. Магистратура мутахассисликларига 8 йўналиш бўйича жами 150 ўрин, масофавий таълим шакли учун эса 80 қабул квотаси белгиланмоқда.

Тест синовлари тарих, чет тили фанидан ўтказилади. Чет тилидан ўтказиладиган тест синовларидан овозд этиш ва ушбу фандан максимум балл олиш учун чет тилларини билиш бўйича сертификатлар даражалари талаб этилади.

Бакалаврият учун тест синовлари 25 июлдан 20 августга кўп сифимли павильонларда бўлиб ўтади. Аби-турентлар ўзи хоҳлаган ҳудудда тест синовларини топшириши мумкин.

Магистратурага ўқишга қабул қилиниши ҳам тест си-

новлари орқали амалга ошириш белгиланди. Тест синовлари ўтказиладиган мутахассислик фанидан 50 та, чет тили фанидан 25 та савол бўлади. Тест синовлари 5-25 август кунлари кўп сифимли павильонларда бўлиб ўтади.

2020/2021 ўқув йилида Тошкент давлат юридик университети бакалаврияти ва магистратурасига хорижий давлат фуқароларидан жорий йилнинг 15 мартдан бошлаб ҳужжатларни электрон тарзда қабул қилиш бошланган. Бугунги кунга қадар Россия, Қозоғистон, Афғонистон ва Озарбайжон давлатлари фуқаролари ўқиш истагини билдириб, мурожаат қилди. Хорижий давлат фуқаролари сўхбат асосида университетга қабул қилинади. Уларнинг ўқиши тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Хуршид ҚОДИРОВ, ЎЗА муҳбири

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Фурқат муқаддас босқинчилик жинояти содир этгани учун хорижда жазо ўтаб, кўп қийинчиликларни бошидан кечирган. Яна бир томони, у ожиз аҳволдаги кекса аёлнинг ҳаётини бевақт хазон қилишни истамайди. Агар бу ишни мен қилмасам, маккора М.Холмуродова бошқа бировни ёллаб, М.Кузнецовани ўлдириши аниқ, деган фикрга боради ва ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилади.

Шундан сўнг воқеанинг давоми куйидагича кечади: Фурқат М.Кузнецова хонадон эшигини тақиллатиб, ўзини "шаҳарга идораси назоратчиси" дея таништиради ва ҳужжатларни тақдим этишни сўрайди. М.Кузнецова эса, эшикни очмайди, аксинча, назоратчи кўни кеча келиб-кетганини айтиб, уришиб беради.

Кўнчага чиққач, Фурқат бўлиб ўтган воқеани телефон орқали М.Холмуродовага келказди. Шунда Мавлуда бошқа бир хийла ўйлаб топади. У М.Кузнецовага кўнғирок қилиб, бир кишидан пул бериб юбораётгани, уни олиб қолшини айтади. М.Холмуродова шу йўл билан Фурқатни ичкарига киритишга имкон яратини кўзлайди. Лекин М.Кузнецова "ўзинг кел, менга бегона одамни жўнатма" деб жавоб беради.

— Эшикни бузадиган одам топаман, — дейди Фурқат бу хийла ҳам иш бермагач. — Ўша одамга 100 АҚШ доллар берам, иш хамирдан қил суғургандай осон битади.

Бу гап М.Холмуродовага ҳам маъқул тушади ва у бир соатдан сўнг Фурқатга 100 АҚШ доллар келтириб беради.

Ф.Шоқосимов М.Холмуродова-

дан қотилликка буюртма олгач, амалисининг уйига ўтган, бу ҳақда яна-гаси Сарвинозга айтганди. Ушанга Сарвиноз Фурқатни қалтис йўлдан қайтарганди, албатта.

М.Холмуродова ўғлини ишга жойлаштираман, деб оғир жиноятни содир этишга рўпара қилганини қариндошларидан эшитган Раҳ-

Қилмиш-қидирмиш

Қабоҳат чоҳи

ёхуд яхшиликка ёмонлик қилган кимсанинг аянчли қисмати хусусида

матулла ака ҳам тезда М.Холмуродовага кўнғирок қилади. Қалтис ишни тезда тўхтатиши, ақс ҳолда ўзига қийин бўлишини айтиб, дағдаға қилади.

Раҳматуллиннинг дағдағасидан сўнг М.Холмуродова Фурқатга кўнғирок қилади-да, 100 АҚШ долларини қайтариши ва зудлик билан отасининг олдиға етиб бориш лозимлигини айтади.

Қисқаси, Самарқанд шаҳар "Мармар" деҳқон бозори яқинида М.Холмуродова Ф.Шоқосимовдан 100 АҚШ долларини қайтариб олаётган пайтда ашёвий далиллар билан ушланади.

Суд ҳайъати дастлабки тергов органи томонидан М.Холмуродованинг тамағирлик ниятида, ожиз аҳволдаги шахсни қасддан ўлди-

ришга далолат қилиб, ушбу жиноятни содир этишга суиқасд қилишда ифодаланган жиноятини Жиноят кодексининг 28, 25, 97-моддаси 2-қисми "в", "и" бандлари билан тўғри малакалаган деб ҳисоблади.

Бундан ташқари дастлабки тергов органи томонидан М.Холмуродова Жиноят кодексининг 28, 25, 164-

банди талаби ҳам тергов органи эътиборидан четда қолган. Чунки ушбу бандда айбдор томонидан мулкка эғалик қилиш мақсадида, жабрланувчига ҳужум қилиб, унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатганда ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитганда босқинчилик деб тавсифланиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Жиноят ишида М.Холмуродова Ф.Шоқосимовнинг амакиваччаси С.Холмуродовнинг яшаш уйига ғайриқонуний равишда кириши, пуллари босқинчилик йўли билан олди чикиши жиноятини содир этишга далолат қилгани, жиноятга тайёргарлик кўргани, шу каби ушбу жиноятни содир этишга суиқасд қилишни намоён этувчи ишончга сазовор, ишга алоқадор ҳамда мақбул далиллар тўпланмаган.

Суд судланувчи М.Холмуродовани Жиноят кодексининг 28, 25, 97-моддаси 2-қисми "в", "и" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор тоғлиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, инсон ҳаёти — дахлсиздир. Унга қасд қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳаётнинг бу оддий қонунини бузганлар эса ҳеч қачон адолат мезони бўлган қонун таъқибидан қочиб қутулолмайди.

Олим ҲАЙИТОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси **Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,** "Куч — адолатда" муҳбири

моддалари 4-қисми "а" банди билан айбланган. Судлов ҳайъати судланувчининг зиммасидан ушбу айбловни чиқариб ташлади ва ишонч шу қисмини ҳаракатдан тугатди.

Нега деганда, Жиноят кодексининг 164-моддаси мазмунига кўра, босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги "Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 3-

банди талаби ҳам тергов органи эътиборидан четда қолган. Чунки ушбу бандда айбдор томонидан мулкка эғалик қилиш мақсадида, жабрланувчига ҳужум қилиб, унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатганда ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитганда босқинчилик деб тавсифланиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Жиноят ишида М.Холмуродова Ф.Шоқосимовнинг амакиваччаси С.Холмуродовнинг яшаш уйига ғайриқонуний равишда кириши, пуллари босқинчилик йўли билан олди чикиши жиноятини содир этишга далолат қилгани, жиноятга тайёргарлик кўргани, шу каби ушбу жиноятни содир этишга суиқасд қилишни намоён этувчи ишончга сазовор, ишга алоқадор ҳамда мақбул далиллар тўпланмаган.

Олим ҲАЙИТОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси **Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,** "Куч — адолатда" муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ
- Икрам МУСЛИМОВ
- Холмўмин ЁДГОРОВ
- Бахтиёр ИСАКОВ
- Светлана АРТИКОВА
- Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
- Замира ЭСОНОВА
- Олим ҲАЙИТОВ
- Азиз МИРЗАЕВ
- Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
- Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-623. Қўғоғ бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 8238. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.